

"ТАСДИҚЛАНГАН"
“Худудий электр тармоқлари” АЖ
Ягона акциядорининг
2019 йил 29 июлдаги 3-сонли
қарори билан

"ҲУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
КУЗАТУВ КЕНГАШИ МАЖЛИСЛАРИНИ
АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТАРЗДА СЎРОВНОМА ЙЎЛИ БИЛАН
ВА ВИДЕО-КОНФЕРЕНЦИЯ-АЛОҚА ТАРЗИДА ЎТҚАЗИШ ТАРТИБИ
ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

Тошкент 2019й.

МУНДАРИЖА

<u>I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР</u>	3
<u>II. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ МАЖЛИСЛАРИНИ СЎРОВ ЙЎЛИ БИЛАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ</u>	3
<u>III. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ МАЖЛИСЛАРИНИ ВИДЕО-КОНФЕРЕНЦИЯ АЛОҚА ТАРЗИДА ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ</u>	4
<u>IV. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР</u>	5

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Жамиятнинг Кузатув кенгаши тўғрисидаги низоми ва Акциядорлик жамиятларининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича Комиссиянинг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сон мажлиси баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув Кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, “Худудий электр тармоқлари” АЖ (Кейинги ўринларда - Жамият) Кузатув кенгаши мажлисларини автоматлаштирилган тарзда сўровнома йўли билан ҳамда видео конференц алоқа тарзида ўтказиш тартибини белгилайди.

II. КУЗАТУВ КЕНГАШИ МАЖЛИСЛАРИНИ СЎРОВНОМА ЙЎЛИ БИЛАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

2. Кузатув кенгаши иш режасига мувофиқ Кузатув кенгашининг айрим масалалар бўйича мажлислари сўровнома йўли билан ва шунингдек видеоконференц алоқа тарзида ўтказилиши мумкин.

3. Мажлисни сўровнома йўли билан ўтказишда Кузатув кенгаши раиси мажлис санасини ва вақтини, кун тартибини белгилайди ва ижро органига ушбу йиғилиш тўғрисида хабарнома жўнатади.

4. Ижро этувчи орган Кузатув кенгаши мажлиси кун тартибидаги масалалар билан боғлиқ ҳужжатларни (шу жумладан, Кузатув кенгаши мажлиси баённомаси лойиҳасини) тайёрлашни таъминлайди ва ҳужжатлар нусхаларини Кузатув кенгаши аъзоларига уларнинг шахсий электрон почта манзиллари ёки интернетдаги тегишли мессенджерлар орқали юборади.

5. Кузатув кенгашининг бирор бир аъзоси мажлис ўтказиладиган кундан олдин жамиятга мажлисни сирtdан ўтказиш тўғрисида ўзининг асослантирилган эътирозини тақдим этган тақдирда, ижро этувчи орган бу ҳақда дарҳол Кузатув кенгаши раисини хабардор қилади. Бундай ҳолда, Кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгаши мажлисини шахсан бевосита иштирок этиш йўли билан (очно) ўтказилиши бўйича чақирув беради.

6. Кузатув кенгаши мажлиси сўровнома йўли орқали ўтказилганда кўйидаги масалалар бундан мустасно бўлади:

Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

Жамиятни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисидаги таклифни акциядорлар умумий йиғилиши муҳокамасига киритиш;

Жамиятнинг ижро этувчи органи раҳбарини ваколатларини муддатидан олдин тугатиш ёки жамият ижро этувчи органининг вақтинчалик раҳбарини тайинлаш.

7. Жамият Кузатув кенгашининг сиртдан овоз бериш йўли билан (сўровнома йўли билан) қарорлари мажлисда қатнашадиган барча Кузатув кенгаши аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

8. Кузатув кенгаши мажлисининг сўровнома йўли билан ўтказишда:

- мажлис баённомасида мажлис сўровнома йўли билан ўтказилганлиги кўрсатилади;

- мажлис баёни лойиҳаси Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси томонидан мажлис ўтказилиши белгиланган кундан бошлаб 3 иш куни ичида имзоланади ва умумлаштириш учун электрон шаклда мажлис котибига юборилади;

- мажлис котиби Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан имзоланган мажлис баённомаси нусхаларини олгандан сўнг, уларни электрон нусхаларини Кузатув кенгаши раисига тасдиқлаш учун юборади;

- Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан имзоланган ва Кузатув кенгаши раиси томонидан тасдиқланган Кузатув кенгаши мажлислари баённомаларининг электрон нусхалари Жамиятнинг тегишли таркибий бўлинмасида сақланади.

III. КУЗАТУВ КЕНГАШИ МАЖЛИСЛАРИНИ ВИДЕО-КОНФЕРЕНЦИЯ-АЛОҚА ТАРЗИДА ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

9. Техник воситалар ёрдамида, Кузатув кенгаши аъзоларини идентификация қилиш воситалари ва бошқа жихозлар мавжуд бўлганда, Кузатув кенгаши мажлислари видео-конференция-алоқа тартибида ўтказилиши мумкин.

10. Мажлисни видео конференция алоқа тарзида ўтказишда Кузатув кенгаши раиси йиғилиш санаси ва вақтини, кун тартибини белгилайди ва ижро органига хабарнома юборади.

11. Ижро этувчи орган кун тартибидаги масалалар билан боғлиқ ҳужжатларни тайёрланишини таъминлайди ва ва ҳужжатлар нусхаларини Кузатув кенгаши аъзоларига уларнинг шахсий электрон почта манзиллари ёки интернетдаги тегишли мессенджерлар орқали юборади.

12. Видео конференция алоқа тарзида Кузатув кенгашининг ваколатига қирадиган барча масалалар кўриб чиқилиши мумкин.

13. Кузатув кенгашининг мажлисини видео конференция тарзида ўтказилишида мажлис баённомасида мажлис видео конференция алоқа тарзида ўтказилганлиги кўрсатилади.

14. Кузатув кенгаши мажлиси видео конференц алоқа тарзида ўтказилгандан сўнг:

- мажлис котиби мажлис баённомасининг лойиҳасини тайёрлайди ва мажлисда қатнашган барча Кузатув кенгаши аъзоларига электрон шаклда юборади;

- мажлис баённомасида мажлисни видео-конференция-алоқа тарзида ўтказилганлигини кўрсатади;

- мажлис баённомаси лойиҳаси мажлис ўтказилган кундан бошлаб 3 иш куни ичида Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси томонидан келишилади ва имзоланади ҳамда электрон шаклда мажлис котибига юборилади;

- мажлис котиби Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан имзоланган мажлис баённомаси нусхаларини олгандан сўнг, уларни электрон нусхаларини Кузатув кенгаши раисига тасдиқлаш учун юборади;

- Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан имзоланган ва Кузатув кенгаши раиси томонидан тасдиқланган Кузатув кенгаши мажлислари баённомаларининг электрон нусхалари Жамиятнинг тегишли таркибий бўлинмасида сақланади.

IV. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

14. Кузатув кенгаши мажлиси баённомаси мажлис ўтказилган санадан бошлаб 10 кундан кечиктирмай тузилади.

15. Кузатув кенгаши мажлислари кун тартибида муҳокама қилинган масалалар юзасидан, шунингдек мажлис баённомасининг якуний матнини келишиб олиш учун Кузатув кенгаши аъзолари ўртасида тезкор маълумот ва фикрлар алмашинувини таъминлаш мақсадида интернет тармоғидаги тегишли мессенджерларнинг бирида ёпиқ гуруҳ тузилиши мумкин. Шу билан бирга шундай гуруҳини тузиш масаласи Кузатув кенгаши раиси томонидан келишиб олинади.

16. Ушбу Низом талабларига риоя этилиши устидан назоратни Кузатув кенгаши раиси ва аъзолари амалга оширадilar.